



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 216 (11.777)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва бу борадаги комплекс дастурларни амалга ошириш жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий ва жамиятимиз ижтимоий ҳаётини барқарор ва мувоzanатли ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш имконини берди.

I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2010 йилнинг тўққиз ойида иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил қилди. Иқтисодийнинг барча асосий тармоқлари юқори суръатда ривожланиши таъминланди: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, истеъмол товарлари 12 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,8 фоиз, қурилиш ишлари 9 фоиз, чакана савдо 12,2 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 10,3 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 4,2 фоизни ташкил қилди ва прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Иқтисодийнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнларини жаддалаштиришга қаратилган фол инвестиция сийсати самарасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 8,1 фоиз, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз ўсиши таъминланди.

Мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга оид қўрилган чора-тадбирлар маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10,9 фоиз ошириш, ташқи савдо айланмаси ижобий салъосини 3,6 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда таъминлаш имконини берди.

2010 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2009 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,3
Саноат маҳсулотлари	108,3
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,8
Қурилиш ишлари	109
Чакана савдо айланмаси	112,2
Пуллик хизматлар	110,3

II. Банк-молия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш

Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга доир амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банклари жами капиталининг жорий йил бошига нисбатан 18,2 фоиз ўсишини таъминлади. Аҳолининг банклар ва кредит уюмларидаги депозитлари 41,9 фоиз ошди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридида мuddатли ва жамғарма омонатлари улуши 86,9 фоизни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** тиббиёт академиясида бугун ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Талабалар фестивали-2010» тадбири бошланиши муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан матбуот анжумани бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида Инқирозга қарши чоралар дастурининг оммавий аxbорот воситаларида кенг ёритилиши масалаларига бағишланган конференция ўтказилади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислохотлар оқимида

ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Шундай техника ва механизмлар ўзимизда тайёрланаётгани эса, шубҳасиз, қурувчилар оғирини янада енгил қилмоқда. Тошкент тажриба-экспериментал механика заводи бу борада 40 йиллик фаолиятга эга бўлиб, айни пайтда корхонада минорали ва автомобиль кранлари тайёрланмоқда ва соzланмоқда ҳам.

— Корхонамизда 100 нафардан зиёд малакали

мутахассис меҳнат қиладди, — дейди бўлим бошлиғи Акмал Муратов. — Ҳар бир техника воситаси яратилишида аввало сифат ва мустаҳкамликка эътибор қаратилади. Мутахассисларимиз ҳар қандай мураккаб металл конструкцияларни ярата олади. Автокранларнинг бир қанча турлари йиғилади. Юк кўтариш қуввати 3,2 тоннадан 7 тоннагача бўлган манипулятор-

лар, 14,16,25 тонна юк кўтариш қувватига эга оғир кранлар шулар жумласидандир. Ойига беш-олти турдаги автокран тайёрланади.

Корхонада буюртма асосида ишлаб чиқарилаётган минорали кран саккиз тонна юк кўтариш қувватига эга бўлиб, қурилиш майдонларида рельсада юришга мослаштирилган, оғир юкларни кўтариб беришда

Бунёдкорлик ишлари сифатини таъминлашда, тезкорликни ошириб, объектларни мuddатида фойдаланишга топширишда қурувчиларга мададкор бўлаётган техника воситаларининг ўрни катта, албатта.

қўлланилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда корхонада модернизация ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса маҳсулот турларини кўпайтириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонада илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда келгусида қурилиш-тиклаш техника турларини кўпайтириш кўзда тутилган. Албатта, бу борада сидқидилдан меҳнат қилиб, корхона муваффақиятини таъминлашга ҳисса қўшаётган кран йигувчи Вячеслав Максимов, электр монтажчи Николай Максимов, бригадир Комил Ҳайтматов, цех бошлиғи Бекмурод Норматов сингари ишчиларнинг номини алоҳида таъкидлаша, арзийди.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳақимжон Солиқов олган сурат

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

Парламент эшитувининг мақсади — мазкур Дастурга кирган ривожланишнинг мажмуавий лойиҳалари ҳамда инвестиция лойиҳалари сўзсиз ва самарали бажарилишини таъминловчи қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун Дастурнинг қандай бажарилаётганлигини чуқур ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил этишдан, ушбу лойиҳаларни амалга оширишда депутатлар корпусининг фаоллиги ва ролини оширишдан иборатдир.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан парламент назорати хомашё ресурсларини пухта қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда ички

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида парламент эшитуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси бўлган депутатлар ташаббуси билан ўтказилган парламент эшитувида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартда қабул қилган 1072-сонли қарори билан тасдиқланган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури» бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг аxbоротлари эшитилди.

ва ташқи бозорда талаб қилинаётган рақобатбардор юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, иқтисодий тузилмасини янада диверсификация қилиш, уни барқарор ва тобора ривожлантириш, экспорт са-

лоҳиятини кенгайтиришни қонунчилик, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни мониторинг қилиш самардорлигини ошириш имкониятини беради.

(Давоми 2-бетда)

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Жорий йилнинг 16-24 октябрь кунлари Аргентинанин Креспо шаҳрида футбол бўйича ноғирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионида Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси кетма-кет иккинчи маротаба жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 ноябрда қабул қилинган фармо-

нига биноан терма жамоамиз аъзоларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари

билан тақдирланди. Тошкентда жаҳон чемпионлари — футбол бўйича Ўзбекистон ноғиронлар

терма жамоасини шарафлаш маросими бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш мақсадида ўғил-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳамда ривожлантиришга давлат сийсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 3-бетда)

XXI сadosи

аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Давлатимиз раҳбарининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга биноан 2009 йил мамлакатимизда қишлоқ жойлардаги 42 даҳада намунавий лойиҳалар асосида қурилиши бошланган 847 уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда 225 даҳада барпо этилаётган 6800 ана шундай уй-жойда сўнги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда ва яқин кунларда хонадонлар сохиблари уларга кўчиб ўтади.

● Жорий йилда Кармана туманида фаолият кўрсатаётган «Эркин бунёдкор», «Гўзал табиат саховати», «Навоий Азия транс» каби хусусий корхоналар ҳамда «Санжар Султон боғи» масъулияти чекланган жамияти томонидан 6 гектардан ортиқ майдонда иссиқхона барпо этилди. Уларни қуриш ва ишга туширишда «Қишлоқ қурилиш банк», «Агробанк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан тадбиркорларга катта молиявий кўмак берилди. Иссиқхоналарда қисқа вақт ичида 24 тоннадан зиёд бодринг ва помидор етиштирилди.

● Навоий вилоятида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларда ичимлик суви, табиий газ таъминоти барқарорлигига эришиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

● «Алфа-Омега» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси Жондор туманидаги истиқболли тадбиркорлик субектларидан бири. Бу ерда «Санато кооперацияси негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» дастурида кўзда тутилган имтиёзлардан самарали фойдаланиб, жорий йилнинг ўтган даврида 230 минг флакон тиббий шампунь тайёрланди.

ЖАҲОНДА

● Франция парламентида пенсия ёшини 60 дан 62 ёшга узайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинган бўлишига қарамай, касаба уюмлари аъзоларининг бутун республика бўйлаб яна норозилик намойиши бўлиб ўтди. Мамлакат оммавий аxbорот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, навбатдаги норозилик акцияси 22 дан 26 ноябргача бўлган давр оралиғида ўтказилиши режалаштирилган.

● «Google Mars» картография сервисида белгиланган харитага асосланиб Никарагуа армияси ҳарбий бўлинмаларидан бири ўз ҳудудимиз чегараси дея Коста-Риканин Кариб денгизи қирғоғига яқин чегара ҳудудига жойлашганлиги ва у ерда бир неча вақтинчалик ҳарбий лагер қуриб, машғулотларни бошлаб юборганлиги икки давлат ўртасида муносабатлар совуқлашишига олиб келди.

● Хитойнинг жануби-ғарбидаги Юннан музофотида деҳқонлар билан йўл қурувчилар ўртасида тўқнашув юз берди. «Reuters» АА хабарига кўра, белкуррак ва таёқлар билан қуролланган норозилик иштирокчилари тўқнашувда 50 та машинани ёқиб юборган.

● Россиянинг «Каскад» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари Воронеж вилоятининг Семилук туманидаги чиқиндиларни саралаш заводи майдонида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш қурилмасини қуришга киришди. Бу қурилмада термохимёвий парчаланувчи чиқиндилар газга айлантирилади. Қоғоз парчалари, пластик буюмлар, бир марталик ишлатиладиган идишлар ва канистрлар хом ашё бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Капиталлашув даражаси ва ресурс базасини янада ошириш банк тизими жами активларининг жорий йил бошидан буён 28,1 фоиз ўсишини таъминлади, шунингдек, кредит қўйилмалари қолдиқларининг 32,8 фоиз ошишига ёрдам берди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,4 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари пул айланмасини камайтириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик карточкалар 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 2,5 миллион донага кўпайди ва 7,5 миллионга етди, ўрнатилган терминналлар эса 23,4 мингтага кўпайиб, 65 мингтага ташкил қилди. Натижада пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг январь-сентябрь ойларидагига нисбатан 2,5 баравар ошди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг айланма капиталини тўлдирish учун 275,5 миллиард сўм ҳажмида ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 баравар кўп кредит маблағлари ажратилди.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги 2010 йилнинг 30 августдаги шарҳида Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш прогнозини «барқарор», деб баҳолади. Мазкур баҳо глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз тижорат банкларининг барқарорлигини, уларнинг активлари сифати мустаҳкамлигини ва капиталлашув даражаси ошганини кўрсатади.

«Мудис» агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, Ўзбекистон ҳукумати тартибга солиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, бевосита молиявий қўйилмалар орқали молия соҳасини самарали бошқармоқда. Ҳукумат банклар капиталини кўпайтириш билан бир қаторда, улар орқали индустриал ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда ва бу, ўз навбатида, банклар ликвидлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, жаҳон молия бозорларидаги жараёнлар Ўзбекистон банклари учун жиддий хавфни юзага келтира олмаслиги, ликвидликнинг асосий кўрсаткичлари келгусида ҳам ўзгармаслиги ва ҳар қандай қўйилмаган сарф-харажатлар ликвид маблағлар ёки тартибга солувчи ҳокимият органларининг қўллаб-қувватлаши ҳисобидан осон қопланishi мумкинлиги таъкидланган.

Қайд этиш жоизки, «Мудис» агентлигининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлиги ҳақидаги фикрини яна бир нуфузли халқаро рейтинг агентлиги – «Стандарт энд Пурс» ҳам маъқуллайдди. Ушбу агентлик Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозорларига унчаллик қаттиқ боғланмаганлиги ва уларнинг МДҲнинг бошқа йирик мамлакатларига қараганда ташқи қарзи камлиги Ўзбекистон банк тизимини глобал бозорлардаги салбий жараёнлардан ҳимоя қилганини қайд этди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида «Стандарт энд Пурс» рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимизнинг туртта тижорат банкининг кредит рейтингини тасдиқланди.

III. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва мамлакат рақобатбардошлигини ошириш сиёсатини давом эттириш

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида энгил sanoat (118,4 фоиз), машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш sanoati (114,1), химия (113,7 фоиз) ва озиқ-овқат sanoati (109,9 фоиз) юқори суръатда ривожланди. Электр энергетика соҳаси, қора ва рангли металлургия sanoatининг барқарор ишлаши таъминланди.

2010 йилнинг ўтган даврида калий ўғити, бикарбонат натрий, калий нитрати, энергия теговчи лампочкалар, «Срап» русумидаги энгил автомобиль, «CLAAS» тракторлари ва комбайнлари, турли доривор препаратлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Sanoat кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида 990 лойиҳа бўйича қиймати 4,2 триллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштирилган 47 турдаги янги маҳсулот экспорт қилинди, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспортининг умумий ҳажми эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар ошди. Натижада республика sanoat ишлаб чиқариши умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши ўтган йилнинг шу давридаги 14,9 фоиз ўрнига 17,6 фоизга ташкил қилди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 2,7 миллиард долларни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 1,3 баравар ошди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналарга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида технология ускуналар, хомашё ҳамда материаллар харид қилиш учун 775,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,3 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари 14,8 фоиз ўсди. Газламалар, трикотаж буюмлари, гилам ва гилам маҳсулотлари, галантерев ва ҳўжалик товарлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, ясси экранли телевизорлар, янги турдаги машиини кимё воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Экспортни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқариш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг тўққиз ойида машина ва ускуналар (2 баравар), озиқ-овқат товарлари (1,9 баравар), қора ва рангли металллар (1,5 баравар), хизматлар (1,2 баравар) экспорти ҳажмининг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш янада қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган самарали чоралар жорий йил бошидан буён рўйхатга олинган кичик корхоналар сонининг 3,1 фоиз кўпайишига хизмат қилди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2134,5 миллиард сўмни ташкил қилди ёки бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир, жум-

ладан, 418,2 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,6 баравар ошди.

Натижада 2010 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 48,5, sanoatда 18,7, бандлик соҳасида 74,4 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнесда sanoat ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 124,1 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 11,2 фоиз, шу жумладан, молиявий хизматлар 22,6, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 14,8, автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари 27,8 фоиз ўсди. Натижада ялли ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 48,6 фоизга етди. 1295 чакана савдо объекти, 296 умумий овқатланиш объекти ва машиини хизмат кўрсатиш бўйича 2,1 мингдан ортиқ объектни ишга туширилиши ҳисобидан шу йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларда 93,6 минг иш ўрни ташкил қилинди.

IV. Фаол инвестиция сиёсатини, техник модернизация қилиш дастурларини амалга ошириш

Жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажми 10,8 триллион сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қийбсий нархларда 8,1 фоиз ўсди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз кўпайди ва 1,8 миллиард долларни ташкил этди.

Умуман, мамлакатимиз бўйича жорий йил бошидан буён 867 ишлаб чиқариш объекти, жумладан, озиқ-овқат sanoatида 293, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш sanoatида 237, энгил sanoatда 126, ёғочни қайта ишлаш sanoatида 39 ва машинасозликда 10 объект фойдаланишга топширилди.

Техник модернизация қилиш дастури доирасида 156 йирик инвестиция лойиҳаси, жумладан, 50 мингта «Spark» М300 энгил автомобили ишлаб чиқариш, Евро-4 стандартига жавоб берадиган «Нексия» ва «Матиз» автомобиллари ишлаб чиқариши ўзлаштириш, капсуланган автомобиль ойналарини, Деҳқонobod калий ўғитлари заводида 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқариш, «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида фосфорит хомашёси қўшилган аммиак селитрасини грануллаштириш жараёнини жорий этиш, янги турдаги замонавий электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқариши йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида асфальт заводи ва замонавий қурилиш-йўл ускуналари, Наманган вилоятда ип-газлама полотноси ишлаб чиқариш, Қашқадарё вилоятда табиий чармин қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилди, 9 пахта тозалаш заводи модернизация ва реконструкция қилинди.

2010 йилнинг тўққиз ойида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича 305,5 миллиард сўмлик ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўп ҳажмида ишлар бажарилди.

191 километрик халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ниятсизга етказилди. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида 41 инфрамуносава ва хизмат кўрсатиш объекти, жумладан, табиий ва авария ёрдами кўрсатиш, автомобиль техникасини таъмирлаш, санитария ва гигиена пунктлари, кемпинглар, motelлар, меҳмонхоналар ва кўп тармоқли ёқилги қўйиш станциялари қурилиши якунланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 2009-2013 йилларга мўлжалланган темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш комплекс дастурлари лойиҳалари бўйича 232 миллион доллар эквивалентидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

«Навоий» халқаро аэропорти орқали 5 янги йўналиш бўйича Европа ва Осиёнинг йирик логистика марказларига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг А-300 самолётларида юк ташиш бўйича мунтазам халқаро авиақатновлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида «Навоий» халқаро аэропорти орқали 18,5 минг тонна юк ташилди ва юк ташиш бўйича 674 рейс амалга оширилди ҳамда ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 3 баравар ортди. Ангрэн шаҳрида янги ташкил қилинган Логистика маркази орқали шу йилнинг тўққиз ойида 3,1 миллион тоннадан ортиқ юк ташилди.

Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизим (АСКУЭ)ни жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмолчиларга электр энергиясини ҳисобга оладиган 400 мингта замонавий машиини прибор ўрнатилди. Қўқон ва Андижон шаҳарларида абонентларга карточка орқали олинган ҳақ тўлаш тизимига эга электр энергиясини ҳисобга оладиган машиини приборларни ўрнатиш бўйича тажриба лойиҳалари жорий қилинди, 380 ҳўжалик субъектида электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимнинг локал тармоғи ишга туширилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 107 мелиорация объектида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жағфармаси маблағлари ҳисобидан 401,2 километрик коллектор-дренаж тармоқлари, 109,5 километрик ёпиқ дренаж тармоқлари, 4 мелиорация насос станцияси, 144 мелиорация ва 200 қузатув қудуқлари, битта гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. Узунлиги 11,3 минг километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоғи тозаланди ва бу 240 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди.

V. Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ва қуриш дастурининг амалга оширилиши

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қуриш доирасида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида 3597 уй-жой фойдаланишга топширилди, қиймати 366,5 миллиард сўмлик

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Ўтган даврда замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, жумладан, том ёпиш материаллари, гипсокартон буюмлари, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғиладиган конструкциялар ишлаб чиқарадиган 198 янги корхона, шунингдек, йилга 232 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга 42 гишт заводи ишга туширилди.

Аҳолининг уй-жой қуришга жалб қилинган маблағлари 1,7 баравар ошди.

Умуман, мамлакатимизда 7150,1 минг квадрат метр уй-жой, жумладан, қишлоқ жойларда 5079,1 минг квадрат метр турар-жой, шунингдек, 1965,8 километрик, қишлоқ жойларда 1298,1 километрик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

VI. Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш

Аҳолини асосий озиқ-овқат турлари билан барқарор таъминлаш мақсадида шу йилнинг тўққиз ойида 288,5 гектар майдонда муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланган ҳолда энгил конструкцияли 645 иссиқхона, шунингдек, замонавий мини-технологиялар билан жиҳозланган 135 қайта ишлаш, жумладан, мева-сабзавотларни қайта ишлаш заводи 29, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш заводи 41 ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш заводи 65 корхона қурилди.

2010 йилнинг тўққиз ойида чорвачиликни ривожлантириш дастури доирасида қимомши савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига 21 минг бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оила-ларга 8055 бош қорамол бепул берилди. 131 зооветеринария ва сигирларни суний урчишти бўйича 128 шохобча ташкил қилинди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жағфармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 34,7 миллиард сўм ажратилди. Қурилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8893,4 минг бошга етди ва 2009 йилнинг шу даврига қараганда 6,9 фоиз, паррандалар сони эса 18,2 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг ошиши натижасида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда сабзавотлар етиштириш ҳажми 7,8 фоиз, картошка етиштириш 10,3 фоиз, полиз экинлари етиштириш 11,6 фоиз, мевалар етиштириш 10,8 фоиз, узум етиштириш 9,1 фоиз, гўшт етиштириш 6,8 фоиз, сўт етиштириш 6,7 фоиз ва тухум етиштириш 13,2 фоиз кўпайди. 418,1 минг тонна мева-сабзавот, жумладан, 204,4 минг тонна сабзавот, 62,3 минг тонна полиз экинлари, 90,5 минг тонна мева ва 61 минг тонна узум экспорт қилинди.

VII. Аҳоли бандлиги ва ҳаёт сифатини оширишни таъминлаш

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимиз бўйича 784,9 минг янги иш ўрни яратилди. Унинг 502,4 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми – 503 мингтаси (64,1 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, 253 мингтаси (32,2 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кичик бизнесда бандлик даражасининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда республиканинг касб-хўна қоллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тусидаги банд ҳодимларнинг ўртана йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўли билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирма-лар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, қадолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолганини белгиланган.

Касаначиликнинг турли шакллари кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан 186,8 минг, жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 63,1 минг, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 123,7 минг иш ўрни яратилди.

Меҳнат бозорига амалга оширилган фаол чора-тадбирлар самарасида иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони қўшимча 2,7 фоизга ошди ва 11,6 миллион нафардан ортиқ кишини ташкил қилди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш (106,5 фоиз), уй-жой коммунал ва машиини хизмат кўрсатиш (105,4 фоиз), транспорт ва алоқа (104,8 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (104,8 фоиз) соҳаларида қузатиломқда.

2010 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртана иш ҳақининг барқарор ўсиши сақланди ва ҳисобот даврининг охириги ойда ушбу кўрсаткич 553,8 минг сўмни ташкил қилди. Бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 32,1 фоиз кўпдир.

Ўтган давр мобайнида «Барқамол авлод йили» Давлат дастури доирасида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг барқамол ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир изчил ишлар амалга оширилди. Бу борада қурилган чоралар натижасида таълим муассасаларининг 453,4 минг нафар битирувчиси ва ёшлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди.

Ёшларнинг ижтимоий аҳолини мустаҳкамлаш борасида ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 90 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди, 2320 кам таъминланган оилага тўй ҳамда оилавий тантаналарни ўтказишда ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда Президент Ислол Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган «Ўзбек модели» ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши 2010 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

Ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истиқболли йўналишларни амалга ошириш яқин йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова ахборот бердилар. Депутатларга Ўзбекистон иқтисодиётида чўқур ислоҳотлар жараёни давом этаётганлигидан далolat берувчи Дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши қандай бораётгани ҳақида батафсил ахборот тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартда қабул қилган қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида умумий қиймати 42,5 миллиард доллар бўлган 885 та инвестиция лойиҳасини барча молиялаштириш манбалари ҳисобига амалга ошириш назарда тутилган.

Хозирги вақтга қадар умумий қиймати 1,9 миллиард доллар бўлган 303 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Нефтьгаз, кимё, металлургия sanoati, машина-созлик, қурилиш sanoatiда 22 та йирик ишлаб чиқариш фойдаланишга топширилди. Қурилиш материаллари, энгил ва озиқ-овқат sanoati ишлаб чиқариш тармоқларида 480 тадан зиёд кичик корхона барпо этилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш 2010 йилда ҳам фаол давом эттирилмоқда. Тасдиқланган дастурларга мувофиқ 2010 йил учун 5,9 миллиард долларга тенг бўлган инвестицияларни ўзлаштириш прогноз қилинган ҳолда жорий йилда умумий қиймати 39,8 миллиард доллар бўлган 668 та лойиҳа амалга оширилди. 2010 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича умумий қиймати 789,3 миллион доллар бўлган 156 та лойиҳани бажариш тугалланди. Чунончи, Spark М300 русумли энгил автомобилни ишлаб чиқариши ўзлаштириш, Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи қурилиши бўйича лойиҳани амалга ошириш ниятсизга етказилди. Қўқпатас ва Даугузтов олин рудаси конларининг бирлашган хомашё базасида кон-металлургия корхонаси қурилиши, «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида фосфорли хомашё қўшилган аммиакли селитрани донатор ҳолга келтириш жараёнини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, «Фарғона Автогласс» очик акциядорлик жамиятида автомобиллар учун капсуланган ойна ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш якунланди.

Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш дастурини рўйбге чиқаришга катта эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йилнинг январь-май ойларида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот улуши мамлакат sanoat ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ўтган йилдаги 13,2 фоиз ўрнига 14,8 фоизни ташкил этди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоблан ма самараси 1282 миллион долларни ёки ўтган йилги кўрсаткичдан 22 фоиз ортиқни ташкил этди.

Маърузачиларнинг чиқишларида таъкидлангани, Ўзбекистонда кулай инвестиция муҳитининг яратилганили мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва изчил ривожланиши таркибий ўзгаришларни жадаллаштиришнинг бош омил бўлди. Иқтисодиётни ривожлантиришга 200! йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 6,4 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, шу жумладан, 3,5 миллиард доллар ҳажмидаги чет эл инвестициялари жалб этилди. Бунда барча ўзлаштирилган инвестицияларнинг яримдан кўли товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга йўналтирилган корхоналарни модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлашга қаратилди.

Хорижий компанияларнинг инвестициялар билан болиқ фаолиятига таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари шароитид чет эл инвесторларини жалб этиш бўйича олиб бориле ётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида инвестициялар манбаларини диверсификациялашга алоҳид эътибор қаратилди. Натижада Ўзбекистонга илгари инвестициялар манбалари сифатида қаралмаган Уммон, Вегрия, Словакия, Сингапур, Индонезия, БАА ва бош мамлакатларнинг йирик компанияларидан тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди.


Кизгин мунозаралар жараёнида парламент эшитише иштирокчилари ишлаб чиқаришни модернизация қили техникавий ва технология қайта жиҳозлашни таъминлочи қонунчилик норматив-ҳуқуқий базанинг ҳолати ва уянада такомиллаштириш вазифаларини қўриб чиқдила.

Шунингдек, депутатларнинг саволларига Ўзбекист Республикаси Авиля вазири Р.Муҳитдинов, Ўзбекист Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси С.Носров, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раиш Ш.Файзуллаев, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси раиси Б.Тешабоев ҳамда вазирлик ва идораларнинг бошқа масъул ҳодимлари жавоб бердилар.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиш якунларга кўра қўйилдиғиларни амалга ошириш зарурлиги такидланди:

қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базанинг ташқи инвестициялар оқимини рағбатлантиришга оид қисми такомиллаштириш, чунончи уяни янги қонунлари қаби қилиш йўли билан ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларга

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Яхшилик — инсон зийнати

КЎНГИЛ МЕХРДАН СУВ ИЧАДИ

Хизмат юзасидан Сурхондарёдан Тошкентга тез-тез келиб тураман. Сафар чоғида Термиз-Тошкент йўналишидаги 379-380 поездига чиқишимга тўғри келади. Узок йўл давомида кўпинча бағри кенг, хушмуомала темир йўл ходимларига дуч келиб, дилим яйрайди. Улар барча йўловчиларга меҳрибонлик кўрсатади. Инсон кексайгач эса, кўнгли нозик бўлиб қолади. Қолаверса, жисмоний имконияти чекланганлар ва қарияларни эъозлаш, ҳурматини жойига қўйиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Бир оғиз ширин сўзимизни улардан асло дариг тутмайлик, азизлар.

Мен ҳар гал вагон назоратчи ходимларининг меҳрибон ва самимий сўзларидан мамнун ила манзилимга етиб оламан.

Сафарларнинг бирида қўлтиқтаёқдаги йигит билан 75-80 ёшлардаги икки қария менга ҳамроҳ бўлишди. Бемор йўловчига темир йўл ходимлари Умар Бўриев, Уринбой Ақидов ва Абдихолик Бойзаковларнинг гамхўрлигини кўриб, орамизда савоб ишлар бажаришни ва иймонни дилига жо қилган одамлар кўплигига ишондим.

Ширинсўз ва гамхўр, ўз касбининг ҳақиқий жонкуярлари, камтарин ва самимий инсонлар кўпаяверсин.

Бобоҳон ҲАКИМОВ,
меҳнат фахрийси (Шўрчи тумани)

Дунёда салбий хислатлардан бири бу нон ушлаб, қасам ичишдир. Баъзилар «Агар сўзим ёлғон бўлса...» дея, ўтиб кетган ота-онаси руҳини, ҳаттоки ҳаёт фарзандларини ўртага қўйиб, қасам ичади.

Мунозара

ЭЗГУЛИК ИЖОБАТИ

ниб қолса ёки билиб-билмай нимадир аралаштириб юборган бўлса, ёхуд ўша қаймоқни ўзи ҳам кимдандир сотиб олиб, устига қўйиб сотаётган бўлса-ю, сифати яхши чиқмаса-чи? Унда нима бўлади? Ичган қасамнинг бир учи ўзига ва болаларига тегмайди?

Ҳар қандай сўзнинг ўз ижобати бўлади, назаримда. Наҳотки тирикчилик деб, яқинларимизни, гулдек фарзандларимизни худ-бехуда қасамларга аралаштираверамиз. Хонадон қўнончи, ҳаёт мазмуни, умр кўрки бўлган фарзандларимизнинг тақдирини олди-сотдига аралаштириб, нима фойда топамиз?

Ҳа, бу дунёда турфа инсонлар яшайди. Аммо ҳаммамизнинг ҳам мақсадимиз битта, яъни яхши яшаш, соғ-саломат бўлиш, болаларимизнинг камоли ва бахтини кўриш, орзу-ҳавасли бўлиш. Шундай экан, умид ва яхши ниятлар билан ҳаёт сўқмоқларини бир-бир босиб бораверишимиз керак. Умидлига умидли дунё бу. Ниятни ҳаммаша яхши қилиш керак.

Мақола ёзиш жараёнида, «қасам» сўзининг луғатий асл маъносини билишга ҳаракат қилдим «Қасам» арабча сўз бўлиб, ўзининг ҳақиқати, сўзнинг тўғрилиги ва шу қабиллар тасдиқлашиши, уларга бошқаларни ишонтириш учун

муқаддас нарсалар, кимсалар, номини оғзига олиб, айтилаётган оғир сўз. Иккинчи маъноси эса содиқлик ҳақида расмий равишда бериладиган тантанали ваъда.

Дарҳақиқат, кейинги вақтда қасам билан боғлиқ маросимлар ҳам кўп ўтказилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аслида Тошкент Тиббиёт академиясида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳарбий қисмларда эса Ватанимизга содиқ бўлиш ва уни ёт қўзлардан асраб-авайлаш учун алоҳида қасамд маросимлари ўтказилади. Бу ҳар томонлама ўйланган ва мантиққа ҳам мос келадиган жараён ҳисобланади. Чунки одамзот саломатлиги ҳар нарсадан устун. Ватан тинчлиги — барчамиз учун муқаддасдир.

Бошқа ўқув муассасаларида талабаларига бағишлов қасамдлари ўтказилаётгани не босиб? Бўлажак журналист, ўқитувчи, муҳандис ёки меъмор ҳам қасамд қабул қилаверса, бу сўзнинг қиймати ўз кучини йўқотиб бормасмикин? Яқинларимиз номи билан худ-бехуда қасам ичаверишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ, назаримда.

Азизлар, сизнинг фикрларингиз ҳам биз учун қимматли. Ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

Гули ЧЕҲРА

Мушоҳада

КЎЗ ҚУВНАЙДИ, АММО...

Йўловчиларга қўлайлиқлар яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий қўлайликларга эга бўлган автобуслар шахримиз бўйлаб ҳаракатланаётганини кўриб, кўзимиз қувнайди. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган замон талабларига мос «ISUZU» русумли автобуслар ҳам қалбимизда фахр туйғусини уйғотади.

Лекин баъзи йўналишлар бўйича жамоат транспорти вақтида келмаслиги ёки бекатларда тўхтамай ўтиб кетиши киши дилини хира қилиши ҳам бор гап.

Эрталаб кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилади. Шундай пайтларда жамоат транспорти ўз вақтида келмаслиги, келганда ҳам, баъзи бекатларда тўхтамай ўтиб кетиши, айниқса ёшларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Талаба ва ўқувчилар асосан ойлик йўл чипталаридан фойдаланади. Бу уларга жуда қўлай ва пулни тежашга ёрдам беради. Аммо айрим ҳайдовчилар талабалар гавжум бекатларда ҳаттоки тўхтамасдан ўтиб кетади. Бунинг натижасида биз каби ёшлар дарсларга ҳам кеч қолиб боришга ва ўқитувчилардан танбеҳ эшитишга мажбур бўламиз. Умид қиламизки, мутасадди раҳбарлар бу каби кўнгилхираликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Бехзод ҲИДОЯТОВ,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси



Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Ҳурматли таҳририят ходимлари, агар иложи бўлса, шахар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонаси мутасаддиларига «Оқшом» газетаси орқали ўзим ва барча даволанаётган беморларнинг миннатдорлигини етказсангиз.

Ўн йилдирки, қанд касаллиги таъхис билан ушбу шифохонада доимий равишда даволаниб келаман. Ҳар сафар ширинсўз шифокорларга қандай миннатдорчилик билдирсам экан, деган ҳаёлга борардим. Даволаниш жараёнида шифокор хузурида «Тошкент оқшом» газетасини кўриб қолдим. Бу шифо масканида пойтахт газетасини катта қизиқиш билан ўқишар экан. Менинг миннатдорчилик сўзларимни ўқишса, шифокорларнинг кўнгли кўтарилади, деб ўйлайман. Бир оғиз ширин сўз дил малҳами, шундай эмасми?

Махфуза Аҳмедова
(Шайхонтоҳур тумани)

Ҳа, инсон кўнгли гулданда нозик. Таҳририятимизга келган хатлар орасида шифокорларга миннатдорчилик билдириб, ёзилганлари ҳам жуда кўп. Биз имкон қадар бу хатларни чоп этишга ҳаракат қиламиз. Махфуза опанинг нома сини олганимиздан сўнг мақола

тайёрлаш учун шифохонага йўл олдик. Бизни шахар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори Элмира Боситхонова очик чеҳра, самимий табассум билан кутиб олди. Сўхбатимиз мавзуи асосан беморлар ва уларга яратилаётган шароитлар хусусида борди.

морларнинг миннатдорчилиги эса бизга, албатта, янада куч ва рағбат бағишлайди. Шифохонамизда инсонлар саломатлигини тиклаш, дардан халос этиш борасида барча шароитлар яратилган. Замонавий тиббий асбоблар билан жиҳозланган бўлимларда ўз касбига садоқатли ходимлар ишлайди. Айниқ-

теранликка ва тезкорликка чорлайди. Шифохона ҳаёти билан танишар эканмиз, беморлар учун яратилган шароитлар кўнглидагидек эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Терапия, неврология, реанимация, хирургия, офталмология, юз жарроҳлиги хирургияси каби 11 та бўлимда юздан зиёд шифокор, 250 дан кўп ҳамшира ишлайди. Бир йилда ўн олти мингдан ортиқ беморга шошилч ёрдам, 50 минг беморга ётиб даволаниши учун хизмат кўрсатилади. Жорий йилда шифохонага 102 миллион сўмлик замонавий таъхис аппаратлари, 44 миллион сўмлик янги кир ювиш машиналари ўрнатилди.

Таширигимиз давомида терапия бўлимида тиббиёт фанлари номзоди Муқаддас Саидқабарованинг беморлар билан муомаласида камтарлик, синчковлик ва меҳрибонликни кузатар эканмиз, Махфуза опанинг чексиз миннатдорлик билан бизга ёзган сўзларининг яна бир бор гувоҳи бўлдик.

Дунёда инсон ишончидан буюк ва қадрлироқ туйғу йўқ. Инсонлар саломатлиги йўлида оқ халатига гард теккизмай меҳнат қилаётган ва хаста вужудларга малҳам бўлаётган шифокорларга яна бир бор беморлар номидан ташаккур билдириб қоламиз.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

Мактуб йўлга чорлади

ЯХШИ СЎЗ — ЖОН ОЗИФИ

— Шифокорлик касби машаққатли, масъулиятли ва шу билан бирга шарафли касбдир. Инсон саломатлиги йўлида қилаётган ҳар бир ишимиз кучли билимни, тезкорлик, зийраклик, хушмуомалалик, сабр ва матонатни талаб этади, — дейди Элмира Эркиновна. — Шифокор аввало инсон руҳияти билан яқин бўлиши керак. Демокриманки, биринчи ўринда беморнинг руҳиятида ўзига бўлган ишончни тиклай олишимиз зарур. Инсон, айниқса бемор ҳамиша ширин сўзга муҳтож бўлади. Оқ халатли шифокор ҳар қандай вазиятда унинг кўнглига йўл топа олиши ва тузалишига ишонтириши лозим. Тузалиб, оилалари бағрига шодумон қайтган бе-

са шифокорларимиздан Зулайхо Миртожиёва, Муқаддас Саидқабарова, Ахбор Қосимов, Илём Муҳаммаджоновларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дунёда инсон саломатлигидан муҳимроқ ва қадрлироқ ишининг ўзи йўқ. Зеро, соғлик олтиндан-да қиммат ва ҳар нарсадан устун. Бемор ҳам беморлигини тан олмай, таъхисидан безовта бўлмай, ишонч ва умид билан даволанса, ҳар қандай касалликдан тез фориг бўлади. Бу йўлда шифокорларнинг эҳтиёткорлик ва жонкуярлик билан қилган ҳалол хизмати муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, шифокорлар елкасидаги масъулият уларни ҳар доим

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Спорт жисмоний имкониятлари чекланган ва ногиронлар ўртасида ҳам кенг ривожланимоқда, улар ўзларини жамиятнинг фаол аъзоси эканини ҳис қилиши, уларда ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқни оширишга хизмат қилмоқда. Бунда юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Бундай юксак эътибор ва гамхўрликка жавобан жисмоний имконияти чекланганлар ва ногиронлар ҳам ўзлари шуғулланаётган соҳалар бўйича самарали меҳнат қилиб, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқда, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётир.

Аргентинада ўтказилган жаҳон чемпионатида ногирон футболчиларимиз халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини, ҳеч қачон ва ҳеч қандай кам бўлмаслигини яна бир қарра намоян этди. Ўзбекистонлик ногирон футболчилар биринчи босқичда уч қарра жаҳон чемпиони Бразилия вакиллари 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, эронликлар билан дуранг ўйнади. Энг кучли саккиз терма жамоа қатнашган иккинчи босқич беллашуварларида спортчиларимиз Англия жамоасидан 6:1, Бразилия жамоасидан 4:2 ҳисобида устун келди, Россия вакилларига қарши учрашувда 3:3 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди. Ярим финалда Туркия футболчиларини 2:1 ҳисобида енгган ўзбекистонликлар ҳал қилувчи финал ўйинида мусобақа мезбони — Аргентина терма жамоасини 3:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Спортчиларни тақдирлаш маросимида футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев ва футболчи Хайдарали Турсунбоевга «Дўстлик» ордени, Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзолари — Муҳаммадзиз Арапов, Умарали Рустамов, Қудрат Тўраҳўжаевга «Жасорат» медали топширилди.

Мамлакатимиз спортчиларининг жаҳон майдонларида юқори натижаларга эришаётгани Президентимиз Ислам Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир, — дейди ЎзА муҳбирига Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси бош мураббийи Рустам Қориев. — Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш ва фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ана шундай юксак эътибор туфайли қўтба ва жаҳон биринчиликларида муносиб иштирок этаётган спортчиларимизнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ёшлар камолотига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоси Қудрат Тўраҳўжаев. — Юртимизда жисмоний имкониятлари чекланганларнинг ҳам ўз қизиқиши ва интилишига қўра касб-хўнар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратилган, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жаҳон чемпионатида майдонга тушганимизда ана шу эътибор ва гамхўрликни дилдан ҳис қилиб турдик. Бу кучимизга куч қўшиди, галабага бўлган ишончимизни янада оширди.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, бундай гамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам Ватанимиз байрогини янада юқори кўтаришга интилишини алоҳида таъкидладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА муҳбири

Санъат

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Кейинги йилларда мусиқа санъати ва мусиқа таълимига доир қатор наشرлар юзга келди. Бундай ўқув адабиётларининг аксарияти Ўзбекистон давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари муаллифлигида босмага тайёрланаётгани эътиборлидир.

«Сольфеджио» дарслиги ҳам консерватория талабаларига яхши совға бўлди. Бу китобда ўзбек бастакорларининг фортепиано асарлари ҳам таҳлил қилинган.

Ўзбек миллий мусиқа мероси ҳақида ҳикоя қилувчи услубий қўлланма учун ҳам алоҳида грант ажратилди. Ушбу оммабоп нашр олий мусиқа мактаби музейидан ҳам жой олди.

АКАДЕМИЯ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Қайтадан тикланган Хоразм Маъмур академияси тарихи ҳамда бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи «Илм маскани» ҳужжатли фильм томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг бу махсулотини суратга олишда архив материалларидан кенг фойдаланилди. «Илм маскани» ўқув фильми сифатида ҳам экраништилди.

Ақбар АЛИЕВ

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида 5-7 ноябрь кунлари Озарбойжон Республикасининг миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган кўргазмада маъмурият мамлакатининг деярли барча минтақаларидан ёқилги-энергетика, транспорт, қурилиш, ахборот технологиялари, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, маданият, сайёҳлик, экология каби соҳаларда фаолият юритувчи 170 га яқин компания ва корхона ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этди.

Компаниямиз сановат корхоналари учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш, савдо тармоқлари ва супермаркетларни автоматлаштириш билан шуғулланиди, — деди ЎЗА мухбирларига «LINK & A» компанияси директори Анвер Ҳамидов. — Ўзбекистонда ахборот технологиялари изчил ривожланиб бораётгани бизга яхши маълум. Ўзбекистон ишбилармонлари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Озарбойжонга транспорт воситалари, рангли металллар, электрик ва механик ускуналар, оптик жиҳозлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этказиб беради, транспорт, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатади. Озарбойжоннинг Ўзбекистонга экспорти асосан механик ускуналар, дори-дармон, пластмасса, шакр ва қандолат маҳсулотлари, органик кимёвий бирикмалар, кўнчилик ва бўёқчилик экстрактларидан иборат. Мамлакатларимиз самолёт эҳтиёт қисмлари этказиб бериш, ҳаво кемаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, учувчилар ва техник муҳандис ходимларни ўқитиш каби йўналишлар бўйича фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Компаниямиз ўсимликлардан табиий атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаради, — деди «Gazelli» компанияси менежери Чингиз Мамедяров. — Маҳсулотларимизнинг аксарияти экспорт қилинади. Ушбу кўргазма орқали Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёда ўз ўрнинини мустаҳкамлаш ниятида миз. Мамлакатингиз иқтисодий муттасил ривожланиб, хусусан, атторлик фирма ва компаниялари кўпайиб, фаолияти такомиллашиб бораётганига амин бўлди. Қатор муассасаларда мусокаралар ўтказдик, икки томон учун ҳам фойдали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олди.

Озарбойжон миллий кўргазмасида тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель ва мебель фурнитураси, қурилиш материаллари, кимё, иқтисодий турли соҳаларида ва уй-рўзгор ишларида қўлланиладиган қурилма ва буюмлар, транспорт ва алоқа ускуналари — қарийб икки минг турдаги маҳсулотлар намойиш қилинди. Улар орасида замонавий техника ва технология маҳсулотларидан миллий ҳунармандлик буюмларигача бўлган кўплаб товарлар бор.

Кўргазма доирасида Озарбойжоннинг «Габалин консерва заводи», «Gilan», «Azersun», «Azneftmash»,

«Azneftkimyamash», «Tovuz-Baltiya», «Caspian Fish», «Akkord», «Azenco», «Kur», «Ultra» каби 44 компанияси мамлакатимизнинг қатор фирма ва компаниялари билан ахборот технологиялари, озиқ-овқат саноати, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш каби соҳаларда ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар.

«Baki Fehlesi» нефть қазиб олиш ва қайта ишлашда қўлланиладиган техника ва технологияларни тайёрлаш бўйича Озарбойжондаги етакчи компаниялардан биридир, — деди ушбу корхонанинг маркетинг департаменти директори Рафиқ Алиев. — Президентларимиз раҳнамолигида мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик йил сайин ривожланиб бораётганини, уни янада кенгайтиришнинг имкониятлари жуда катта эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу кўргазма ҳам ана шу ҳамкорликнинг амалий самараларидан биридир. Биз, ишбилармонлар қулай имкониятлардан унумли фойдаланишимиз, икки томон учун ҳам манфаатли қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишимиз лозим.

Қайд этиш жоизки, юртимизда хорижий ишбилармонларнинг фаол иш юритиши учун қулай сармоявий муҳит, барча зарур шароит ва имтиёзлар яратилган. Жадал давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни чет эл бизнес доираларининг мамлакатимизга сармоя киритишига қизиқишни тобора оширмоқда. Озарбойжон Миллий кўргазмаси икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий муносабатларини янада фаоллаштириш, иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари ҳақида ўзаро ахборот ва таъриба алмашиш, савдо шартномалари ва ҳамкорлик битимлари тузиш баробарида халқларимиз ўртасида азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кўргазмага озарбойжонлик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида кўплаб ўзбекистонлик ишбилармонлар ташриф буюргани бунинг ёрқин далолатидир.

Озарбойжонда ишлаб чиқарилган нефть-газ соҳасида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, технологиялар билан танишиш, — дейди «Шўртангаз» унитар корхонаси бош механиги ўринбосари Очил Эрданов. — Озарбойжон Миллий кўргазмаси жуда фойдали тадбир бўлди. Боиси, бу каби тадбирлар икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро дўстона муносабатларни тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Кўргазма доирасида Озарбойжоннинг «Baki Fehlesi» компанияси билан нефть-газ технологиялари сотиб олиш бўйича шартнома имзоланди.

Озарбойжон Миллий кўргазмаси мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади, дейиш учун тўла асос бор.

Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА

Халқаро ҳаваскорлар самбо федерацияси (FIAS) кўмагида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва мамлакатимиз самбо федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада дунёнинг қирққа яқин давлатидан беш юзга яқин самбочи голиблик учун куч синашди.

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси мезбонлик қилган жаҳон чемпионатининг жанговар самбо бахсларида ҳамюртимиз Саттор Эргашев жаҳон чемпиони деган шарафли номи кўлга киритди. Вазни 52 килограммга бўлган полвонлар баҳсида С.Эргашев ярим финалда қозогистонлик Олмос Сулаймонов, ҳал қувчи финал учрашувида россиялик Анатолий Стишакни мағлубиятга учратди.

Жанговар самбо бўйича жаҳон чемпиони бўлиш орзуим эди. Мақсадимга эришганимдан, мураббийларим ва халқимиз ишончини оқлаганимдан хурсандман, — дейди ЎЗА мухбирига

Спорт

САТТОР ЭРГАШЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Пойтахтимизда самбо бўйича жаҳон чемпионати якунланди.

жаҳон чемпиони С.Эргашев. — Биз, спортчиларнинг бундай нуфузли мусобақаларда галаба қозонишимизда юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган кенг имкониятлар муҳим омил бўлмоқда.

Жанговар самбо беллашуварларида қатнашган ҳамюртларимиздан Элдор Ғуломов ва Зафар Расулов кумуш, Илҳом Сотиволдиев, Алишер Тўраев, Фурқат Рўзиев ва Сардор Шовриқов бронза медаллар соҳиблари бўлишди. Шундай қилиб, битта олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медал жамағарган жанговар сам-

бочиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Самбо бўйича ўтказилган беллашуварларда Шавкат Жўраев кумуш медалга сазовор бўлди. Азамат Турданов, Шухрат Бобоев ва Олим Худойкулов бронза медалга лойиқ топилди. Хотин-қизлар ўртасида Ўғилжон Рўзиметова, Соҳиба Эштемирова, Обида Олладўстова ва Гулалас Ҳайдарова шоҳсултаннинг учинчи поғонасидан жой олди.

Шунингдек, Россия, Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Мўғлистон, Қозогистон каби давлатлардан келган полвонлар ҳам мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Байрам АЙТМУРДОВ

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ФЕСТИВАЛИ

«Янги авлод-2010» республика болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу ижодий танловда пойтахтимиз туманларидаги саралаш босқичларида голиб бўлган минг нафардан зиёд ёшлар ўз иқтидорини намойиш этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бунда аънавий «Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивали алоҳида аҳамиятга эга.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар классик, вокал ва миллий

чолғу асбоблари ижрочилиги, тасвирӣ ва амалий санъат, бадиий ижод каби йўналишларда ўз маҳоратини намойиш этди.

Фестивалда она Ватанимизнинг гўзал табиати манзаралари акс эттирилган туркум расмларим билан қатнашдим, — дейди ЎЗА мухбирига Шайхонтохур туманидаги 192-мактаб ўқувчиси Робия Носиржонова. — Бундай танловлар турли йўналишларда изланаётган тенгдошларимиз ижоди билан яқиндан танишиш, моҳир мусаввирлар иштирокидаги маҳорат сабоқларида иштирок этиш, расмларимизни пойтахтимиздаги энг мухташам кўргазма залларида намойиш қилиш имконини беради.

Ғолиблар фестивалнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

Назозат УСМОНОВА



ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида жойларда ўтказилаётган турли тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Вирусли гепатитдан эҳтиёт бўлинг» мавзусида мактаб ўқувчилари ўртасида деворий газеталар кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда мутахассислар инсон соғлом бўлиши учун нималарга эътибор қаратиши зарурлиги, бу борада айнақса тозалikka риоя этиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш лозимлиги, жумладан, вирусли гепатит касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари хусу-

сида ёшларга батафсил маълумот бериб ўтилди. Танловда ўқувчилар томонидан мавзуга доир тайёрлаган деворий газеталари намойиш қилиниб, совриндорлар танлаб олинди.

Дилором ИКРОМОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

(Давоми бор)

Мавжуда РАЗЗОҚОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такоран Юнусобод тумани СИБ томонидан ФИБ М.Улугбек туманлараро судининг 19.04.2010 йилдаги №1-6668/09 ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Конибодом кўчасида жойлашган, беш хонали, умумий майдони 129,14 кв.м. бўлган 47-уй қўйилади. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 30 ноябрь кунини соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб, танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлаши шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Шунингдек, Собир Раҳимов тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Тошкент оқшом» газетасининг 13.10.2010 йилдаги 197-сонини, «Солиқ ва боғхона» газетасининг 14.10.2010 йилдаги 40-сонинида чоп этилган хабарномалар билан «Республика кўчмас мулк биржаси» ЕАЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, С.Раҳимов тумани, Нозимахоним 6-тор кўчаси, 23-уй аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз. **Савдодан олишга асос:** С.Раҳимов тумани СИБнинг 05.11.2010 йилдаги 9358/12-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-а уй. Тел: 228-79-52, www.rkmb.uz.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2612 нусxada босилади. Кўзга ётиши А-2

Нашри этказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.